



**Намозда ниятларингизни муҳофаза қилинг”, дедилар”. Бу ҳадисни Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Унинг рижоллари саҳиҳдир. Мажмаъуз завоид 1/181.**

Чунки намоз ибодатдир. Ибодат Аллоҳ учун мутлақ ихлос билан амал қилишдир. Ихлос эса фақат ният билан ҳосил бўлади. Демак, намоз учун ниятнинг шарт бўлиши вожибдир. Эълоус Сунан 2/149.

→Фоида: Ҳофиз ибн Қаййим Жавзийя роҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан хоҳ саҳиҳ йўл билан бўлсин ва хоҳ заиф йўл билан бўлсин у зотнинг намозга киришиш олдидан **“ушбу намозни ўқийман”** дейишлари собит бўлмаган. Бу бирор саҳобалардан ва тобеъинлардан ҳам собит бўлмаган. Балки у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намозга турсалар такбир айтишлари нақл қилинган. Бу эса (яъни тилда фалон намозни ўқийман дейиш) бидъатдир”.

Баъзи фуққаҳолар ниятни тил билан зикр қилишни мубоҳ санаганлар. Чунки унда қалб амалини рўёбга чиқариш ва васвасани кетказиш бордир. Умар розияллоҳу анҳунинг овоз чиқариб ният қилаётган кишига одоб беришлиги ривоят қилинган. Буни ниятни жаҳрий қилаётган кишига зажр қилинган, дея ҳамл қилинади. Аслида тил билан ниятни зикр қилишнинг ҳечқиси йўқдир. Хусусан тобеъин розияллоҳу анҳумларнинг замонларидан кейинги даврларда қалблар кўп нарсалар билан машғул бўлиб қолди. Шунда айрим уламолар қалбдаги ниятни тил билан тасдиқлаб олишнинг зарари йўқ, дейишган.

## **2-Матн:**

**Кейин аввало икки қўлларини токи икки қулоқлари юмшоғи баробаригача кўтариб.**

## **2-Матннинг далиллар:**

يَفْلَحُ دَنِيحَ وَيَدَيَّ غَفَرًا مَّسَّوَهُ لَعَلَّ لِي لَصِيْبٌ نَبِيًّا أَرُءَيْتُمْ أَنِّي رَجُحْتُ نَبِيًّا أَوْ نَعَىٰ  
مُسْمُومًا دَمَحًا أَوْ رَءَيْتُمْ أَنِّي رَجُحْتُ نَبِيًّا أَوْ نَعَىٰ مَسْمُومًا دَمَحًا أَوْ رَءَيْتُمْ أَنِّي رَجُحْتُ نَبِيًّا أَوْ نَعَىٰ

1. Воил ибн Ҳужрдан ривоят қилинади. У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни намозга киришаётганларида икки қўлларини кўтариб такбир айтаётганларини кўрган экан. (Ровийлардан Ҳаммом икки қўлини қулоғи баробаригача кўтариб сифатлаб берди). Аҳмад ва Муслим ривояти 1/173.

